



**ТАНИШНИНГ:  
ЗУЛФИЯ  
МУКОФОТИГА  
НОМЗОДЛАР**



**Зилола АШУРОВА** — Фаргона вилояти, Кува туман марказий маданият уйи қошидаги "Анор" халқ ашула ва рақс дастасининг яққоҳон раққосаси. Зилола ўзининг шу дастадаги 7 йиллик фаолияти давомида кўпгина халқларнинг рақс сирларини ўрганди. Шунингдек, "Тановар", "Роҳат", "Абдурахмон беги", "Фаргона рубойиси" каби рақсларни маҳорат билан ижро этиб келмоқда.



**Зулфия АРЗИМБЕТОВА** — Қорақалпоқ Давлат университети "Музыка таълими ва нафосат тарбияси" бўлимининг талабаси. Қорақалпоқ халқ миллий кўшиқларини маромига етказиб қуйлайди. Ҳар йили ўтказиладиган "Наврўз", "Мустақиллик" байрамларида қатнашиш билан бирга Алпомишнинг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарида ижро этган бетакрор кўшиқлари учун 1-ўринни эгаллади. Германияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда Зулфия қуйлаган қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди намуналари хориқликларни ҳам мафтун этди.



**Манзура МАШАРИПОВА** — Урганч Давлат университети агро-иктисод факультетининг иқтидорли талабаси. У республикамизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, соликқа тортиш ва молиялаштириш муаммоларини ўрганапти. АҚШнинг "Акселс" жамғармасининг "Ёш мутахассислар маъласини ошириш" дастури бўйича грант тайёрлади ва биринчи босқичдан ўтди. Хоразм вилоятида "Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

**БАСИРА Тайёрлади**

**РИСЛИҚ ОПА**



Рислиқ опам ҳақида ёзиш менга жуда оғир. Билибманки, аччиқ-чучук кунлари жуда кўп бўлди. билибманки, унга ачиниб, куюниб яшайман. Ҳеч ким болам деб йиғламасин. У эса бир эмас, икки бор болам, деб дод-фарёд чекди. Икки бор ўлиб-тирилди...

Абдуқаҳорини сўнги йўлга кузатаётиб, ўзи не алпоздаю, отасиз қолган беш набираси бағрига ёпишиб отам деб чувилларди. Йигирма йил бўлади гулдек сўлган келини Шакархоннинг, қалдирғочдек набираларининг кўнглига қараб яшайди...

Ушанда у Фазалкент шахар консерва заводиди ишларди. Рислиқ Пирмоновани илғор ишчи, халқ ноиб, фаол жамоатчи сифатида яхши танишарди. Агар ўғли ҳаёт бўлганида, гарчи нафақа ёшига етган бўлса ҳам ишини ташламоқчи эмасди. Лекин у нафақага чиққач, Хумсон қишлоғига кўчи кетди. Шундай қилиш керак эди... Боласининг болаларини ўйлаш, келинининг ёнига кириши керак эди. Қишлоқда эса қайнона-қайнотасидан қолган катта боғ бор эди. Эр-хотин ўша 30 сотихли ташландиқ ерни обод этиш учун

кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишди. Йиллар ўтиб, мевалар чунон ҳосилга кирдики...

Болалар озгидан мева-чева аримас, экилган сабзи, пиёз, картошка, помидор-бодринглар уч-тўрт хонадонни бемалол таъминларди. Бу орада ҳовли саҳнига гир айлантириб экилган тераклар иморатбоп бўлиб етилиб қолганди. Дала ҳовлининг тўрида қиблага қараб пойдевори баланд қилиб қурилган беш хонали уй-жой албатта бир йилда бунёд бўлгани йўқ. Ҳар гал шу

эди... Буни тақдир дейдиларми ёки қисмат, билмадим, не балолик бўлдиким, опамиз бошига яна ўлим чанг солди. Ўғиллари Абдухамиднинг умр йўлдоши, келинимиз Маърифатхон тўсатдан оламдан ўтди.

Қишлоққа кетаётибману, опамизни кўришга юрагим увишади... Энди нима бўлади? Бу қайғу-алам опамизни йиқитиб қўймасмикан, деб ўйлайман. Тақдирни қарангки, бунда ҳам йигит бўлиб қолишган тўрт ўғилу бир қиз онадан етим қолган эди.

Беш бола ҳам онаси бўйи-

қарзимдан қутулсам бўлди, кейин оёғимни узатиб кетавераман, дейди. Кўрпа-кўрпача қиламан деб пахта соларга қўни-қўшниларни йиғади, жун савайди... Бўлмиш неварга келинларига никоҳ қўйлаги, никоҳ узуги қидириб бозор, магазин айланади...

- Қиз бола юракнинг қони деганларича бор экан, - дейди қайнэгачим қизларидан миннатдор бўлиб. - Гулистон билан Сарвинозга ота-онам, ака-укаларимдай суянаман... Нимаки ёруғ кун, яхшилик кўрган бўлсам, аввало шу қизларим, ўғилларимдан кўрдим. Сарвиноз бирор тўй бўладими, маъракам, албатта Ҳайдаржон билан боққан қўйларидан бирини етақлаб келишарди. Худого шукр тўйнинг энг нозик ишлари битиб қолди. Буёғи худого ҳавола...

Тўй тараддуди, неваралар орзу-хаваси унинг овунчоғи бўлиб яшашга чорламоқда...

Беш опа-сингил — беш тақдир. Уларнинг ҳаёти бир-бирига жуда ўхшайди. Бир-бирини тўлдирди, давом эттиради... Балки бунда жасорат, ҳайрат, оғизга тушадиган бир мўъжиза кўринмас. Лекин қайнэгачиларим тимсолида ўттиз йиллик журналистик фаолиятимда илҳом билан қаламга олган, танглай меҳнатда қотган, болажон, меҳри дарё ўзбек оймиларининг суратини кўраман.

Очигини айтсам, улар бағрида ўзимни келин деб эмас, эгачидай эъзозли кўраман, қалбларига яқин бўлишимдан яйраб кетаман. Ҳайрат ҳам, ибрат ҳам ана шундай самимийликда, меҳр-оқибатда эмасми?!

**Дилбар МАХМУДОВА**

**ҚАЙНЭГАЧИЛАРИМ**



*Сувратда: Мақола муаллифи — (ўнгда — охириги) Дилбар Махмудова, қайнэгачилари ва умр йўлдоши — таниқли журналист Тилаб Махмудов билан.*

ҳовлига кириб, иморатга кўзим тушганда опамизнинг почмакмиз ёнида туриб лой қоришиб, лой тепишиб, гувала қилиб, девор уришгани кўз олдимга келади. Лекин опамиз меҳнат қилиб ноланган, меҳнатдан йирқилган одам эмас. У жудоликдан мункайди, жудолик туфайли сўлди, дардман бўлиб қолди, кексайди... Вақт ҳамма нарсага даво деганларидек вақт ўтиши билан ўғлининг ўғиллари улғайишиб гўшангага куёв, неварга қизи эса келин бўлиб, яна ўзларидан кўпайишди... Бир Абдуқаҳор ўрнига Оллоҳ уларга қатор ўғил, қизларни тортиқ этди... Бу куйган юракка бир малҳам

ни, онаси тафтини нақ буви тушганда опамизнинг топгандек унга суйаниб қолишди. Ундангина паноҳ топишганди... Ўғлининг ёнига кириб, набиралари тақдири учун у қайғурмас ким қайғуради?! У кўшдан эрта туради. Абдулхай Фазалкентдаги заводда ишлайди. Тонгги электрикчадан кеч қолмаслиги керак. Абдулазиз Чорбоғ ГЭСи қурилишига чопади. Умидани мактабга кузатади... Кечқурун яна оила жам бўлади. Йигитчалар маош олишса, бувижонлари қўлига келтириб берадилар... Рислиқ опамизнинг баъзида уйқуси қочиб, тонг оттиради. Невараларимни уйлантириб, Оллоҳ олдидаги

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

**ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА**

Яқинда Республика "Оила" илмий-амалий марказида "Қарияларни қадрлаш йили"га бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Йиғин қатнашчилари отахону-онахонлар қарияларга кўрсатилаётган эъзозу ҳурмат учун Президентимизга ўз ташаккурларини изҳор этдилар, фаровон турмуш, нури келажак учун бурчли ва масъулиятли эканликларини қайта-қайта таъкидлашди. Куйидаги фотолар ҳақида ана шу тантанали анжуман иштирокчилари ҳақида...



Уқтамхон опа Йўлдошева 45 йил мобайнида Миробод туманидаги 156-мактабда бошланғич синфларга таълим бериб, олий тоифали ўқитувчи унвонига сазовор бўлганлар. Ҳозир нафақадаги онахон ўғил-қизлар, невараларни жамлаган катта оиланинг устун, суянчигилар.



- Ўзэлектроаппарат корхонасида слесар бўлиб ишлаб, ўйинчоқларга қисмлар ясаб берадим. Ишимни жуда севиб бахарардим. Ҳозир нафақадаман. Ўғилларим, келинларим, неварга-эваралар ардоғидаман", - дейди фахр билан Насиба Мирзаахмедова.



Нафиса опа Саидумарова 35 йил болалар боғчасида тарбиячи, сўнгра 18 йил попоп тикиш фабрикасида ишлаган. 5 фарзандни вояга етказиб, уйлик-жойлик қилганлар.



Маълума опа Умрзоқова 42 йил попопчилик билан шугулландилар. Бугунги кунда ўғил-қизу, келин-куёвлари ва набиралар куршовида кексалик гаштини сурмоқдалар.  
**Л. АХМЕДОВА тайёрлади**  
**Сувратчи: О. НУРМАМАТОВ**

## МЕНГА ҲАДЯ ЭТИНГ ТАБАССУМ...

Бегубор ва навқирон қизлик даврим, эрка фарзандлигим ва дил остида сақлаган барча оруз-умидларим билан хайрлашган ва барча қизларга насиб этувчи келинчаклик даврим бошланди. Умуман танимаган-билмаган жойга, ҳаёлимда ҳам, ҳаётимда ҳам учратмаган йигитнинг оғушига келиб тушиб қолдим. Тақдири азал шундай битилган экан. Инсон боласи бардошли бўлади, кўниб кетар экан ҳаммасига. Оила қуриш турмушга чиқиб, турли чиройли либосларни кийиб, пардозни жойига қўйиб, таманнола юриш эмас экан. Узига яраша машаққатларию, залворли зарбалари бўлар экан. Унда фақат гул кўтариб, дил рози айтиб кўлтиклашиб юрилмас, рўзғор истироҳат боғи эмас экан. У аёлингиз ҳам, эркакингиз ҳам елкасига анча масъулият юклар экан. "Эрни эр қиладиган ҳам, каро ер қиладиган ҳам", хотин дейди машойихлар. Суянгувчи тоғ бўладиган ҳам, яратгувчи бог бўладиган ҳам, баодоб фарзандлар тарбиялаб, вояга етказаятган ҳам биз аёлларимиз. Аммо тан олиб холис айтилиб, биз деб, биз туфайли кечувчи, ичувчи бўлиб кетганлар қанча? Бизнинг тиконли, аччиқтошдай тахир сўзларимиздан безор бўлиб, ширинзабону, офатижон жонон, ювошроқ жуфт излаб кетганлар қанча?

Момоларимиздан меърос ифатга дугона, беорларга бегона, садақатда собит, вафоли ёр бўлиш ўз қўлимизда эмасми? Өзгина тушунувчиллик вужудга келса овозимизга зўр бериб, кимгадир қадримизни дастурдон қилишдан аввал бироз мулоҳаза қилайлик, андишали бўлиб жаҳл отига қамчи урмай, ақл-заковатни ишга солиб, "ўзимдан ҳам ўтгандир", - дея ўйлаб қўйсақ яхши бўлармиди. Мен бу гапларим билан сабр-бардошли, фидойи, вафоли аёлларимизга тош отиш мақсадидан, кимгадир ақл ўргатиш ниятидан йироқман. Кўнглимдан кечганларини ёзаялман. Чунки бу ҳаёт деган уммонда яшашнинг завқли ва жуда қийинлигини оила қурган, она бўлиш, суюкли ёр бўлиш жуда қийинлигини берадимми ёки эр буюм эмаски, бозорга олиб бориб алмаштириб юборсанг. Эрингга аччиқ қилиб, норасида гўдақларни ташлаб, берухсат келганинг бу сенинг эрингни беҳурмат қилганинг, эр юзига оёқ қўйганинг бўлади. Болам, уйингга қайтиб бор, агар эринг билан яна муроса қилолмасанг, менинг олдимга кел. Дугонамнинг руҳи хурмати, икки гўдақниб қолган эканман. Кийимларингни хидлаб чиқдим, ишонсанми? Сен менга, болаларимизга кераксан..." Унинг бу дил икродидан кўзларимдан ёшларим оқиб кетди. Худого шукр, ниҳоят мени тушуниб етибди. Оила бу муқаддас даргоҳ экан. Оила иморати пойдеворининг мустаҳкам бўлиши эса эр-хотинга боғлиқ экан. Бугунги кунда Оллоҳдан гунчадек назик, латофатли қиз фарзанд ато этишини тилаб яшамоқдамиз. Шу ўринда белдида белбоғи, кўксига ёли бор, юраги меҳр-муҳаббатли ва вафодор эркаларга ҳам шундай ўтинчим бор...

Аҳли аёлингизга осмондаги ойни ваъда қилмасангиз ҳам майли. Фақат тинч-тоғу яшашга баробар интилиб, изланиб, имкон топиб, аёлингиз-фарзандларингиз онасининг камчилигини сезганингизда бир оз бо-сиклиқ билан фикр юритиб, таҳсинга лойиқ фазилатлари ҳам борлигини ёддан чикармангиз.

Вафодор бўлинглар — вафодор бўламиз. Садоқатдан хиёнатга, муҳаббатдан нафратга, матонатдан макрут хийлага қадам босмайлик. Муҳаббатимиз чечаклари-дилбандларимизнинг нурилик истикболи учун ҳам бағрикенг бардошли бўлайлик..." Барча ёшдаги эр ҳам, аёл ҳам турмуш ўртоғига садақатда собит, меҳр-оқибатли бўлсин.

**Хаёлимдан кетмайсиз бир зум, Висолингиз ягона орузм. Менга ҳадя этинг табассум, Кўзингизга тушганда кўзим...**

Марғилонлик Зумрад Ваҳобованинг ушбу шеърини қалбимиз эгасига кўзларимиз билан сўзлаб, ёндоқларимиз билан эркалаб айта олайлик.

**Машхура ИСҲОКОВА**

нинг бахти учун ўзим гаплашаман эринг билан. Агар тинч яшаб кетсанг, онанг кабрида тинч ётади, қизим. Хасрат халтангни менга тўқдинг, бошқа бировга айрма. Биров қўйса, бирови кулади-тушундингни, болам", - дедилар. Уйимга қайтиб келдим. Худого шукр, болаларим соғ-саломат экан. Эрим эса мени кўриб шундай деди: "Бу уйдаги қувончим шу болаларим. Қаерда, қачон, қай ҳолатда бўлсан ҳам қайтиб сенинг ёнингга келаман, хотин. Тўғри мен қўполман, дилдорман. Шу ўтган йиллар ичидаги барча англашил-мовчиликлар ҳам бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Лекин шу ўтган 10 йил ҳам бир бўлди, ўтган уч кун ҳам. Менга охирги марта яна ишон, сенга кўникиб, ўрга-

ни бошимга тушганидагина англаб етмоқдаман. Мен ҳам оилами сақлаб, яшаб кетишда жуда кўп қийналдим, зиддиятли вазиятларга дуч келдим, болажонларим ҳам кўзимга қўринмай онам уйига кириб келдим ёлғиз. Бағрини очиб қутиб оладиган онаизорим оламдан ўтиб кетган. Уч кун ёлғиз, кимсасиз уйда яшадим. Онаминг уятан дугонасига бошимдан ўтганларимни айтиб бердим.

"Болам, хом иш қилибсан 10 йил яшаб энди нимага чидамайман дейсан? Болаларингни қаровисиз қолдириб, кимга ташлаб келдинг. Уларнинг айби нима? Онанг қандай бардошли, сенлар учун жонини фидо қиладиган аёл эди. Эрим ёмон деганг, "қийналибсиз ростдан ҳам", деб биров сенга яхши

эканман, дадажонимнинг нимадир демоқчи эканликларини сезаман. Қоқ суяқ бўлиб қолган қўлларини бармоқларим орасига олиб сийпалар эканман, юзларига-юзларимни босиб, ичимдан тошиб келаётган йиғини босмоқчи бўламан. Кўнглим нима учундир безовта.

- Дадажон, чарчамадингизми, - дейман юракларим эзлиб.

- Шурикни тўйини кўрармиканман, насиб этармикан, - дедилар беихтиёр кўзлари ёшланиб. (Кенжатой укамнинг оти Шарофжон бўлиб дадамлар эркалаб "Шурик" деб чакрардилар). Негадир овозлари бошқача, нафас олишлари жуда тез эди. Афсуски, бу дамлар ганимат эканлигини, дадажонимни бошқа кўриш насиб этмаслигини ўшанда билмаган эканман. Орадан бирор соат чамаси вақт ўтган, уйимга айтувчи борди...

Бечора дадажоним ҳаётларининг сўнгги нафасида ҳам болаларим сиқилмасин, қўрқмасин, деб ҳаммамизни мажбурлаб уй-уйимизга жўнатиб юбордилар. Кенжаларининг тўйига илина-илина бу дунёдан армон билан кетдилар, бечора дадажоним... Орадан бир йил ўтган, бошлаб қўйган тўйимизни давом эттириб, дадажонимни йиғлаб-йиғлаб эсланганча тўй қилдик. Ҳаммамиз озулаган келин ховлига кириб келар экан, уларга ама-



## ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

**КИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!**

Гапни "Ҳазрати аёл" китобимда сенга келтирган таърифимдан бошлай: «Камолга етган қиз мукаммал санъат асаридир. Гузал асардир. У — бойчечак. У — муаттар қатлари энди ёзилиб келаётган гунча. Ҳозиргина ёмғир ювиб ўтган, оқи оқ, қизили қизил бўлиб яшнаган чаманзор! У устига қўйлақ эмас, бодом гуллари кийиб олган, йўқса, ёнлаб ўтсангиз, шунча сархуш қилармиди? Унинг кўзларида париси бор — ҳаёлингизни олади. Овозида кумриси бор — оҳанги юрагингизга ин солиди. Бутун дунёнинг армони — шу камолга етган қиз! Муҳаббат унинг пойига бош уриб, йиғлаб ҳалак! Шоирларнинг дастидан Эр шарининг очик жойи қолмаган — қизларни таърифлаб шеърга тўлдириб юборганлар! Рўйи замин шу камолга етган қизга қасида айтиб яшайди!»

Яратганнинг шундай буюк ижоди, неъматни бўлган қизойим, асалому алайкум!

Гул қизлар юзига ўхшайман деса, гунча ёр дудоғи қабиман дейди. Менинг суратимни худди жоннинг кўзлари сингари чизинг дер чарос. Йўқ, аввал, ёр лабин худди ўзи деб, бизни шеърга солинг дейди кўш гилос. Дилдор қоқилига қачон ўхарман, дея сув ичинда бўлаётди сунбул, гоҳ нарғис, гоҳи лоза, нилуфарман деб, исмини талашар чаманда минг гул.

Дунёда неки бор, таърифи бордир. Фақат "Аёл — ким у?" деган саволга бугунгача бирорта заминий шоир, мусаввир ёйинки доно файласуф жавоб беролмади мукаммал, бекам. У осмонзодадир, унинг таърифин фақат ўзи билар яратган Эгам!

Мўъжиза ойм, билки, сендаги бу синоатга сенинг алоқанг йўқ, у Яратганнинг кудрати! Агар у аралашмаса, ушқоқдай жонинг билан бу ёруғ дунёнинг жами арслон феъл йигитларини ўзингга бош эгдирармидинг!? Ўзи асрамаса, этингни узиб, суягингни синдириб бола ясаганинга омон қолармидинг!?

Нафис ойм, бори йўғи бир туп райхон каби қаддинг бор, холос! Аммо Оллоҳ шугина туришин билан Ерақрасининг ҳамма камини сен билан тўлдираётин. Унинг бор жоржохатиға сени малҳам сайлаётин. Мақомингни бу даражага етказмоқ учун қонингга нима қўшгану жонингни нимадан ясаганини билгувчи бир ҳақинг ўзидир!

**ИСМИНГ ВА ЖИСМИНГ**

Сени гулга менгзадилар. Гулда гулнинг ифори бўлиши керак. Ой қизим, сочларинг бинафшазор, вужудинг навбахордир! Уни шу муаттарлика асра! Ўзингни ўзингдай асраш учун сувни сев, сувни ошно тут, сувараст бўл! "Қиз бола" деб аталган гулгун чаманни ҳаргиз гўбор қопламасин, нопок либос ёпмасин. Бир кунда неча бор ювинсанг, ўшанча кам! Нопоклик нохушлик келтиради. Кир ювгиси, ювингиси келаверадиган қиз хонадон бахти ва у яшайдиган жой атиристондир?

Сен гулга қара-я, тор жойда ҳам, кенг жойда ҳам, атрофи чиройликми, хунукми, унинг ёнида қулиб тиройдиларми ё хўмрайиб, барибир, бирдай ифор таратиб, яшнаб туравереди, чунки унинг иклими шундай! Чунки у — гул! Шу сенга ибрат бўлгай! Қандай шароит ва қандай кайфиятда бўлишингдан қатъи назар, қиз бола отинг борки, аёл зотисанки, зотингдай бўл — яшнаб, гўборсиз ва муаттар тур!

(Давоми бор)  
Турсуной СОДИКОВА

## ҲАЛОЛ ИНСОН ЭДИЛАР...

Хотира... Инсонлардаги энг буюк туйғу. Хотира юки қалбларимизни қанчалар эзмасин, биз учун азиз ва қадри бўлган инсонларни эсламаслик, улар билан бирга ўтказган хушнуд дамларни ёдга олмаслик асло мумкин эмас.

Агар ҳаёт буганларида, дадажоним бу йил 67 ёшга тўлардилар. Эрта, жуда эрта ташлаб кетдилар бизни. Дадамлар дилкаш, одамоҳун, кўнгиллари тоза инсон эдилар. Кўзлари доим қулиб турарди. Ҳазил-мутойбага ўч, хушқачқак одам эдилар. Ҳаётларининг энг сўнгги кунларида ҳам келажакка ишонч, яхши кунларга умидни йўқотмаган эдилар. Бир умр ҳайдовчилик касбини улуғлаб, оила боқиб, фарзанд тарбиялаб, эл оғирини энгил қилиб келган меҳнаткаш, ҳалол инсон эдилар отажоним. 4 ўғил, 3 қизни онажоним билан бирга тарбиялаб ўстирган дадажоним, олтовимизнинг орзу-ҳавасимизни кўрдилар. Невара тўйлар қилдилар. Минг афсуски, кенжа ўғилларининг бахтини кўриш насиб этмади. Хасталигини ётиб қолибдиларки, онажонимга "тўйни тезлат, икки ёшнинг кўнглига қара", дейишни қўймадилар. Индинга тўй, эртага куда томонга тўй жўнатилади, деб келишилди. Хасталик ўз кучини кўрсатиб, ичичига ботиб кетган кўзларига боқар

эканман, дадажонимнинг нимадир демоқчи эканликларини сезаман. Қоқ суяқ бўлиб қолган қўлларини бармоқларим орасига олиб сийпалар эканман, юзларига-юзларимни босиб, ичимдан тошиб келаётган йиғини босмоқчи бўламан. Кўнглим нима учундир безовта.

- Дадажон, чарчамадингизми, - дейман юракларим эзлиб.

- Шурикни тўйини кўрармиканман, насиб этармикан, - дедилар беихтиёр кўзлари ёшланиб. (Кенжатой укамнинг оти Шарофжон бўлиб дадамлар эркалаб "Шурик" деб чакрардилар). Негадир овозлари бошқача, нафас олишлари жуда тез эди. Афсуски, бу дамлар ганимат эканлигини, дадажонимни бошқа кўриш насиб этмаслигини ўшанда билмаган эканман. Орадан бирор соат чамаси вақт ўтган, уйимга айтувчи борди...

Бечора дадажоним ҳаётларининг сўнгги нафасида ҳам болаларим сиқилмасин, қўрқмасин, деб ҳаммамизни мажбурлаб уй-уйимизга жўнатиб юбордилар. Кенжаларининг тўйига илина-илина бу дунёдан армон билан кетдилар, бечора дадажоним... Орадан бир йил ўтган, бошлаб қўйган тўйимизни давом эттириб, дадажонимни йиғлаб-йиғлаб эсланганча тўй қилдик. Ҳаммамиз озулаган келин ховлига кириб келар экан, уларга ама-

## Хотира — муқаддас

ким бахт тилаб "оқ фотиҳа" бердилар. Кўзларда ёш, дилларда армон. Айниқса укажонимга бир умрлик армон бўлиб қолди, бу кунлар...

Инсон яқинларининг қадрини уларни йўқотгандан сўнг биларкан. Баъзан қўнғилларини оғритган, айтганларини қилмай жерикиб ташлаган пайтларимиз ҳам бўлган. Афсуски, ўша пайтларда дадажонимнинг биз учун ганимат эканликларини билмаганмиз. Мана бугун меҳрибонимизсиз уйларимиз хувиллаб, бағримиз бўшаб қолган. Айниқса, оила бошлиғи вазифаси бевақат зиммасига тушган катта акам учун дадажонимнинг ўринлари жуда билинади.

Илоҳим, охиратингиз обод, рўҳингиз шод бўлсин, дадажон. Фарзандларингиз учун сиз ҳеч қачон ўлмагансиз, доимо қалбимизда яшайсиз.

**Обод бўлсин дадажон, энди охиратингиз, Ҳар баҳор қадрингиздан униб чиқсин бойчечак. Рўҳингизни пок сақлаб, саждалар қилар доим, Сизнинг етти болангиз, етти бахорий чечак...**

**Оппоғой МАҲКАМ қизи Жиззах**

Мақтубингизни ўқидик...

## АЗОБИЮ РОХАТИНИ ЎЗИНГИЗ КЎРАСИЗ

«Ўзимга яраша касб эгасиман. Би-чиш-тикиш билан шугулланаман, савдо-сотик қиламан.

Бир йигит билан танишиб қолдим. Уч йил бўлди. Яхшигина, ёқимтой-гина. Кишилар билан муомаласи ҳам ёмон эмас. Ўзаро муносабатимизни онамга айтсам: «Бўлмайди, наркоман, ичади, чекади», - дедилар. У мени деб ҳамма нарсага тайёр. Ичиш, чекишни ташлади. Бизниқига ўз совчаларини жўнатмоқчи. Уйимиздагилар эса эшитишни ҳам ишашмайди. Онам: «Қизим, сени бахтсиз бўлишингни ишашмайман», - деяптилар. Хуллас, ўзимдан катта опамдан ташқари ҳамма қарши. Яқинда бир қариндошимизнинг ўғлига мени узатишмоқчи бўлишяпти. Бу гапни эшитиб у йигит: «Қочиб кетамиз», - деяпти. Мен ота-онамни, уйимиздагиларни жуда яхши кўраман. Оилада кичик фарзанд бўлганлигим сабабми мени эркалаб ўстиришган. Ҳеч ким менга ёмонликни раво кўрмаяди. Қандай қилиб уларнинг юзларига оёқ кўйиб қочиб кетаман? Икки ўт орасида қолдим. Нима қилай? Менга маслаҳат беринглар...»

БАРНО

Барнохон, мақтубингизни ўқиб ўйла-ниб қолдик. «Она рози, Худо рози», - деган нақл бор. Менимча оила қуриш масаласида ҳар бир йигит-қиз ҳис-туйғуларига жуда ҳам берилмасдан, биринчи навбатда ўз ота-онасининг маслаҳатини олса ёмон бўлмас керак. Нега деганда, ота-она ўз ҳаётида анча-мунча воқеа-ҳодисаларни бошдан кечириб, яхши-ёмоннинг фарқига етишди. Қолаверса, ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб, фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, юз бериши мумкин бўладиган қийинчиликларни олдиндан кўра билади, ҳиз этади. Ҳар қандай ялтилаган нарса олтин бўлмаганидек, ҳар қандай кўзга ёқим-той бўлиб кўринган инсонни ҳам яхши деб бўлмайди. Шунингдек, ўзаро яхши муносабатни ҳам ҳақиқий севги деб бўлмайди.

Ота-онасининг топганини еб-ичиб, чекиб юрган, оила ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаган ёқимтой йигитнинг ёмон қилиқларини бирданга ташлаб яхши бўлиб қолишига қафолат борми? Ёмон қилиқларни «ташладим», дегани бу ҳали фақат қуруқ гап бўлса-чи? Синглим, кўзингизни очиб, ақлин-гизни ишлатинг. Ёқимтой йигитга ота-она ва яқинларингизнинг кўзлари билан бир қаранг-чи, балки улар ҳақдир-лар. Яна билмадим. Ҳар ҳолда кўрмай-билмай, вазиятни тушунарли турб бир-ровга маслаҳат беришнинг ўзи нотўғ-ри. Ҳар бир инсон ўз келажагини ўзи белгилайди. Олдингиздаги муаммо энг оғир масала. Бунни ечишда Сиз ўзингизга ўзингиз судясиз. Ўйлаб, му-лоҳаза қилиб ҳукм чиқариш ўз қўлин-гизда. Қандай ҳукм чиқарсангиз, бир умр шу йўлдан юришга маҳкум этила-сиз. Орқага қайтиш йўқ. Чунки бу Сиз-нинг танлаган йўлингиз бўлиб, унинг азобини ёки роҳатини ўзингиз кўра-сиз. Шунинг учун қадамингизни ўйлаб, билиб босинг...

Лола АХМЕДОВА,  
хатлар бўлими мудир

Судья ҳузурига бир киши кириб келди. Кўринишдан қирқ ёшлар атрофидаги бу одамнинг салобатидан ёғлироқ жойда ишлашни билиш мумкин эди. Ўзини Акмал деб таништиргач, судья унга савол назари билан қаради.

- Шу... хотиним билан анчадан бери муросага келолмаяпман.  
- Қандай муросага? - деб сўради судья.  
- Нима десам экан, менимча, шу дунёқарашимиз бир-биримизга

- Нима учун?  
- ...  
- Сиздан сўраяпман?  
- Айтдим-ку, бир-биримизни тушун-маяпмиз, келиша олмамаяпмиз, деб.  
- Нега битта болалик бўлганингиз-да келишдингиз, иккита болалик бўлганингизда келишдингиз, бешта болалик бўлганингизда келиша олма-япман, дейсиз? Келиша олмаганингиз бошдан келиша олмаганингиз, сиз мени бу ёлгон гапингизга ишонтира олмайсиз. Ажрашишингизнинг асо-

лан ерга боқиб турган кўзларидан унинг беғуноҳлигини қанчадан-қанча жиноят ва ажрим ишларини кўлидан ўтказган судья сезиб турарди.

Судья сўнгги чорани қўллашга маж-бур бўлди. Беш яшар болани ёнига қақириб олиб:

- Дадангни яхши кўрасанми, ойинг-ними? - деб сўради.

Болакай бир дадасига, бир ойисига қараб, қай бирини кўпроқ яхши кўри-шини билолмай бироз жовдираб тур-ди ва секингина:

- Иккаласиниям, - деди.

- Ростданми? - деди судья.

- Ростдан, - деди болакай ишонч бил-лан.

- Даданг ҳам сени яхши кўрадимиз?

- Ҳа, яхши кўради.

- Даданг, болаларимни ёмон кўра-ман, улар менинг сўзимга кирмаяп-ти, деди-ку?

- Йўқ, ёлгон гапиряпсиз, - деди сод-далик билан болакай.

- Унда дадангга айт: «Дадажон, биз сизни жуда яхши кўрамыз. Бизни ташлаб кетманг. Сизсиз, ахир, қан-дай яшаймиз. - Судьянинг гапларини бола бирин-кетин такрорлай бош-лади. - Биз сизнинг кўзингиз оқу-қорасимиз-ку. Бизни ташлаб кетиш-га қандай кўзингиз қияпти. Дадажон, яхшилаб ўйланг, кейин афсус қил-майсизми? Биз сизсиз яшашни та-саввур қила олмамаяпмиз. Сиз бизни

қандай таш-лаб кетишга журъат эта-яп-сиз? Биз ҳали

катта бўлсак сизга қанот бўламыз, бе-лингизга қувват, кўзингизга гавҳар бўламыз. Ҳали биздек фарзандларингиз борлигидан фахрланасиз. Бизни берган худога шукроналар ай-тасиз...»

Болакайнинг чучук тили билан ай-тилаётган ушбу гаплардан судьянинг ўзи таъсирланиб кетди. Аммо, ҳар қанақа тошни эритадиган гаплар тошбағир отанинг юрагидаги музни эритолмади. Нима учун? Чунки ота-нинг кўзларини ёғ босанди. Хаёли еттинчи осмонда: чўнтагидаги пул-ларини тутаётган гўзал «овчи»ларда эди.

Акмал ака «Беш кунлик дунё, кайфу-сафо», дея ўзининг нафсига қул бўлиб, шириндан-шакар болажонларидан воз кечди. Ўш фарзандини тан олманган ота эртага ёши бир жойга бориб мол-ду-нёси кўлидан кетгач, кимга суянади? Болалари уни тан олармикан? Ахир, «Қайтар дунё» деган нақл бежизга айтилмаган-ку!

ХУРШИДА

## БЕШ КУНЛИК ДУНЁ



сий сабаби нима? Мени шу қизиқтира-ди.

Афсуски, судья ўзи қизиққан саволига тайинли жавоб олол-мади. «Бахтли ота»-нинг тошбағирлигини кутмаган судья уни бу йўлдан қайтаришга анча уринди...

Янаги сафар Акмал ака вилоят фуқаролик судининг ҳовлисида хотини ва 5 яшар ўғилчаси билан бир-

## КАЙФУ-САФОМИ?

тўғри келмаяпти, шекилли, - деди чайнаиб.

- Оила қурганингизга неча йил бўлди? Фарзандларингиз борди ахир, ёки... - деди судья бекаму-кўст кўринган кишининг гапларидан ажабланиб.

- Оила қурганимга анча йил бўлди. Беш нафар фарзандим бор. Кичиги беш яшар, - деди Акмал ака.

- Беш нафар фарзандингиз бўлса, бахтли ота экансиз. Кўринишингиздан ҳам топиш-тутишингиз яхшига ўхшайди. Қирқ яшар ота арзиманган оилавий жанжални ҳал қилолмай, менинг олдимга келдингиз-ми? - деди судья.

- Йўқ, жанжал бўлса майлику-я, лекин мен, тўғрироғи биз ажрашмоқ-чимиз, - деди «бахтли ота».

Хонага сукунат чўқди. Судья: «Нима учун?» - деган саволни сўз билан эмас, бутун вужуди билан Акмал ака-га берди. Акмал ака судья-нинг кўзларига тик қарай олмай, бошини ерга эгди. Анча сукутдан сўнг кўзла-ридаги савол сўзга айлан-ди.

га пайдо бўлишди. Абдукамол Раҳмо-нов (фуқаролик судининг раиси) даст-лаб ҳузурига Акмал аканинг хотини ва ўғилчасини қақиртирди. Лола опа (Акмал аканинг хотини) оқ юзли, ис-тараси иссиқ, кўзлари мунгли, тор-тинчоқ аёл экан. У кўрсатилган жойга чўкканча, ердан кўзини узмай тура-верди. Судья Лола опага:

- Урталарингизда қандай жанжал бўлиб ўтганди? - деб сўради.

- Биласизми, ҳар кунни уйда жанжал. Фақат битта гапни такрорлагани так-рорлаган: «Мен сен билан ажраша-ман».

- Нима сабабдан?

- Билмайман. Кошки билсам эди, билиб туриб беш нафар фарзандим-ни тирик етим қиламан-ми? - аёл рўмолининг четини оғзига босганча йўғлаб юборди.

Жувоннинг гулдек чеҳраси, ибo би-



**ҲАЁТ**  
ТАШВИШЛАРИ ВА  
ҚУВОНЧЛАРИ

## ҲОЗИРГИ СЕВГИЛАР ЁНАР-У ЎЧАР...

Тўйхона. Ўйин-кулгу авжида. Санъ-аторлар одатдагидек 4-5 та кўшиқ ай-тиб, суҳандонга навбат беришди. Тўй раиси сўз навбатини кимга бе-раркан деб, Лайло (келин) ҳаяжон-да бутун вужудини қулқоқга айлан-тирганча бош эгиб турарди. Шу пайт микрофондан майин, ёқимли, лекин аламзада титроқ овоз жаранглаб, ат-рофдагиларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Таништирилмаган мех-мон ким бўлди экан, деб келин ер-остидан тилак билдираётган қизга разм солди. Тўладан келган, оқ юзли, камон қошли қиз келиндан кўз-узмай, унга дунёдаги жамки эзгу-ликлардан бахту тахт тиларди. Не-гадир даврада шивир-шивир гап ор-алаб қолди. Келин секингина Ўткир (куёв)ни туртиб:

- Бу қиз кимингиз бўлади? - деб сўради.

Куёв жавоб бериш ўрнига қизариб-

бўзариб ерга қаради. Бу ҳолдан ажаб-ланган келин дугонасига савол назари билан қаради. Дугона «Тўшундим» дегандай, кўзини қисиб, секин жо-йидан туриб кетди. Бу пайтда номаъ-лум қиз қайсидир шоирнинг муҳаб-бат ҳақидаги шеърини баралла, оҳанг билан ўқирди.

**Ҳозирги севгилар ёнар-у, ўчар, У дилдан, бу дилга тез, осон кўчар...**

Шеър таъсириданми бутун тўйхона сув сепгандек бўлиб қолди. Келин-нинг дугонаси бироз хижолат тортиб жойига ўтираркан:

- Бу ҳалиги қиз... Мамлакат экан, - деди чайнаиб.

Мамлакат... Келинни ток ургандай бўлди. Наҳотки, қандай қилиб. Йўғ-ей! Бўлиши мумкин эмас. Келиннинг бошида шу тахлитдаги саволлар ғуж-ғон ўйнарди.

Келин ва куёв бошларини ҳам қил-ганча, сўзга чиққан қизнинг олдида гу-

ноҳқордек туришарди. Аслида ҳам улар Мамлакатнинг олдида ғуноҳкор эдилар.

Мамлакат Ўткирга фотиҳа бўлгани-га тўрт ой бўлган эди. Лекин улар-нинг севгисидан уч йилдан бўён бу-тун қишлоқ хабардор эди. Мамлакат Ўткирнинг ўқишини тугагини кутар-ди. Ўткир ҳам ҳафтанинг охирида Мамлакатнинг қошига учиб келарди. Негадир охириги пайтларда Ўткир қишлоққа кам келадиган бўлиб қол-ди. Мамлакат ўқишлари кўпайиб кет-гандир-да, деб ўзига-ўзи таскин бе-риб кўярди. Лекин ҳеч қачон севги-сининг, фотиҳали йигитининг, Ўткирнинг тўйида унга бахт тилаб сўзга чиқиши етти ухлаб тушига ҳам кирамаганди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, Мамлакат интизорлик бил-лан кутган тахта ўзга қиз оппоқ ка-бутардек бош эгиб турарди...

Х. ЭРНАЗАРОВА

Бахтиёр, аянчи тақдирингиз баён этилган қисса менда сизга нисбатан ачинашми, куйинишми, ҳар не бўлганда ҳам сизнинг ҳаётингизга бефарқ қарашимга йўл қўймайдиган туйғу пайдо қилди. Ва мен ёзганларим сизнинг дардингизга оз бўлса-да малҳам, ҳаётингизни тўғри йўлга бурилишига туртки бўлармикан, деган илинжда бу мактубни ёзмоққа бошладим. Ёшим 22 да, сурхондарёликман, айна кунда талабаман. Сирдан таҳсил оламан.

## ЎЗИМИЗДА ҲАМ АЙБ БОР

Дил изхорингизни қайта-қайта ўқиб қилдим. Менга шу нарса кундай равшан бўлдики, сизнинг ҳаётда жуда оққунгил, меҳрибон, раҳмдил, юксак одамийлик соҳиб эканлигингизни пайқаш қийин эмас эди.

Биринчи бор уйланиб, бутун орзуларингиз пуч бўлганда ҳам ҳамма дардингизни ичингизга ютиб яшаганингизни ўқиб, кўплар жасорат, мардликка ҳам йўрлар. Таассуф билан айтишим керакки, мен эса ундай фикрга боролмадим. Аксинча, бу мардлигингизни нури келажакка қадам қўйишингиздаги биринчи катта хатоингиз, деб тушундим. Ким қандай тушунса тушунар, лекин мен ўз қарашларим, фикр-мулоҳазаларимдан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки: йигит кишига юқорида саналган сиздаги хислатлардан ташқари орият, чўрткесарлик, кези келса қайсарлик ҳам керак. Баъзи маккор аёлларнинг макрини "40 туяга юк", дейишади. Сизнинг ҳам биринчи кўнгил қўйган ёрингиз феъл-атворингиздан фойдаланиб, елкангизга чиқиб олгандир. Буни сиз сезмай ҳам қолгандирсиз. 2 йил ўтиб иккинчи ўғлингиз дунёга келганида сиз ҳаётингизга, умр йўлдошингизга янада меҳрингиз ортиб бораётганида ўша маккор аёлнинг бу ҳодисанинг унут бўлишини кутиб юргандир. Ҳатто онаси ҳам келиб жанжал кўтарарди дейсиз. Демак бу нарсани қайнонанинг ҳам билиб юрган.

Галпинг қисқаси, бу тўғрида бировга оғиз очсангиз ҳеч кимнинг ишонмаслигига ишонч ҳосил қилган онаю-бола ўрганган кўнгил деганларидек эски хунарларини кўрсатмоқчи бўлишган. Гоҳида ўзимга-ўзим савол бераман, ҳаётда яхши кўпми, ёмонми, бахтли кўпми, бахтсиз? Уйлаб-ўйлаб, бир яхшига бир ёмон дейишган, булар тенг юришади деб ўзимни тинчлантираман. Лекин баъзида ёмонлар кўпроққа ўхшаб туюлади. Иботини эса биргина сизнинг ҳаётингиз мисолида кўриш мумкин. Ёлғиз бошингизга шунча кўргуликлар етмагандек тақдир сизга яна бир бевафони дучор қилди. Кечирасизу, бунда ҳам сизни бир марта ўхшатиб алдаган ўзингизнинг қалбингизга қулоқ тутиб иккинчи бор янглишдингиз. Чунки сиз ўзингиз беозор, самимий, тоза қалб эгаси бўлганингиз учун ҳаммани ўзингиздек кўргансиз. Аслида сиз унга беғараз, мунгли кўзларингиз билан боқиб туриб ҳасратларингиз-

ни гапиргасиз. Унинг: "Турмушга чиқмаганман, кизман, агар уйлансангиз сизга турмушга чиқман", - деганида сиз кенгроқ ўйлашингиз керак эди.

Агар у яхши қиз бўлса, нега шунча йилдан буён турмуш курмади. Яхши қизлар маҳалладан чиқмаслигини нечун унутдингиз? Ҳар не бўлса бўлди. Энди ёлғиз паноҳ Оллоҳнинг ўзидан. Умуман олганда кўплаб қорасиз кишиларнинг дардидаги малҳам бўлаётган, кўнглига таскин топиб кўпдан-кўп

савобга қолаётган "Оила ва жамият" тахририятига мурожаат қилиб, жуда тўғри йўл танлабсиз. Айна пайтда сизнинг биринчи бор ёр танлашдаги ҳолатингизни бошидан кечираётган ёшларимиз бўлса кўзларини каттароқ очиб қараса, бу борада турмуш тажрибаси кўпроқ отахонларимизнинг маслаҳатига қулоқ тутсалар. Ёшлик қилиб ота-онанинг гапини ерда қолдириб, ўзи танлаган йўлдан бориб охир-оқибат сизнинг қисматингизни бошдан кечираётган, ўзи пиширган ошини ўзи еяётган, дардини ичига ютиб юрган юртдошларимиз орамингда яна қанчадир. Буёғи бизга қоронғи. Сизнинг кечмишингиз ибрат бўлиб, нури келажак остонасида турган кўплаб ёшларимиз тўғри йўлга тушса ажаб эмас.

Сизга ўз фикримни айтишга, гўёки насихатдек туюлган фикрларимни билдиришга истихолога қилаётгандек бўламан. Ҳали ёшлигим учунми, билмадим. Нима бўлганда ҳам оининг ўн беши ёруғлиги ҳаммага равшан. Сиз қоронғу кўнларни ирода билан, сабот билан енгиб ўтибсиз. Энди ёруғ кўнлар келиб сиздай олижаноб отанинг, сиздай оқ кўнгил инсонни ташлаб кетган бевафо оналари кўлида тарбия кўраётган ўғил-қизларингиз бир кун камолотга етиб, етук инсон бўлиб етишиб сизнинг юзингизни ёруғ қилади. Албатта мен бунга ишонаман. Бундан кейинги ҳаётингизни эса сиздек эркақларга етолмай зориқиб, ўзи оқила, садоқатли, вафодор бўлса-да эрининг ноҳақ зулмига чидалмай, ажрашиб ҳаётини ёлғиз ўтказиб ўтган аёлни топиб яшашингизни маслаҳат берган бўлардим. Яна ўз атрофингиздаги оқил одамлар, умр йўлларининг паст-баландини босиб ўтган кексалар маслаҳатига қулоқ тутишингизни сўрардим. Излаган имкон топади. Бир кам дунё, армонли. Ёлгон дунё сиз билан бизга роз айтмайди. Бизнинг вазифасиз унинг тилсимини, сирларини билишга ҳаракат қилиб яшаш. Сўзимни шундай деб тугатаман:

**Бу ҳаётдан нолимоқчи эмасман,  
Уйлаб кўрсам, ҳеч бир дард йўқ дармонсиз.  
Армонли дунё деб бир мен айтмасман,  
Кимси йўқки яшаб ўтмас армонсиз.**

**Шодибек ХУСАНОВ**

**Сурхондарё вилояти**

ўртоғининг ҳам қадрига етмай, хиёнат йўлига қиради. Донолар ёзишларича, ифбатда ўнча қисм бор: ҳаё, сабр, тийилиш, поклик, қаноат, шошмаслик, очиқ юзликлик, ихлос, тартиб, савоат.

Бахтиёржон, сиз ҳеч ҳам тушқунликка тушманг, ҳаммаси яхши

бўлади. Насиб этса бахтли бўлиб кетасиз деган умиддамиз. Икка-ла хотинингизни эса умуман эсламан, фарзандларингиз вақти келиб сизни албатта топадилар. Сизга бахт-саодат тилаб қоламан.

**Марзия ФАТТОВА**

**Бухоро**

Сиз — акамиз Бахтиёржон, ҳаётингизни қуришда катта хатога йўл қўйибсиз.

Хафа бўлмаг-у, сиз ишонувчан ва ҳиссиётга берилувчан инсон экансиз. Йигит ўзини қўлга ола билиши, ҳиссиётга ақл билан ёндашиши лозим. Сизга маслаҳатим, ўтмиш билан хайрлашинг, янги ҳаёт бошланг. 34 ёш йигитнинг ишлаб чарчамайдиган, яшаб тўймайдиган даври.

Сизга хиёнат қилган хотин — душман. Авф этилган душман эса дўст бўлмайди. 2 ўғил, бир қизингизга келсак, улар беғуноҳдирлар. Уларга моддий ёрдам беришни ҳам қанда қилманг. Охират савол-жавобда уларнинг пада-ри бўлиб сиз жавоб берасиз.

Ҳар не иш қилсангиз кексалар маслаҳатини олинг, кам бўлмайсиз.

**Алишер РУСТАМОВ**

**Қашқадарё вилояти**

Бахтиёр "Бахт" бобида жуда шошма-шошарлик қилибсиз. Қизларни сичковлик билан синамабсиз, чунки унақалар синов даврида дарҳол ўзини намён қилиб қўяди.

Сиз бошингиздан иккита бир хил — бир-бирдан хунук воқеани тақрорлаб, ҳали ҳам: "Бахт мендан юз ўгирди", деб ўтирибсиз.

Сиз шу характер билан бундан кейин ҳам беномуслар қўлида ўйинчоқ бўлишингиз мумкин. Жуда-жуда бўш, содда одамга ўхшатдим сизни. Ўзингизни қўлга олинг, ҳақиқий жасур, ҳушёр эркақларга хос иш тутинг. Шунда сизни бахт четлаб ўтмайди.

**Феруза КОМИЛОВА**

**Бухоро вилояти**

## БАХТ ЎҒРИСИНИ АЛЛОҲ КЕЧИРМАЙДИ

"Қайтар дунё экан"—52-сон

**ЭСЛАТМА: 23 ёшимда оилам бузилади. Бир қорхонага ишга кирдим. Бошлигим Расул исмли келишган йигит эди. Мен уни яхши кўриб қолдим. Хотини болалари билан кетиб қолди. Кўп ўтмай унинг бошига солган кунларим ўзимнинг ҳам бошимга түшди.**

Хулқархон, Маҳфузанинг гапларидан дилингиз хуфтон бўлганини ўртаниб ёзибсиз. Ҳа, мен ҳам кўп фарзандли аёл бўлганим учунми ё ҳаётнинг ана шундай машмашалари ҳақида кўпроқ қалам сурганим учунми, жуда-жуда ранжидим...

Аслида аёлларнинг бунақа "ўткир"и ҳаётда кам учраса керак, менимча. Бундан кейин асло учрамасин! Бундайлар гул ўлкамизга киройи "чипта ямоқ". "Бўларини бўлиб, бўёғи сингач", "Нигора икки боласини олиб, 4 хонали уйиням, 2 хонали уйиням, эриниям менга ташлаб, туғилиб ўсган кишлоғига кетиб қолди", - дея мактанса-я.

Уша беномус аёл чархи дун ағдарилиб Нигоранинг бошига тушган савдолар ўзининг бошига тушган, қўзи мошдек очилибди-ю, лекин энди кеч. Ахир, инсон деган (яна аёл-а) шунчалар муттаҳам бўлади? Қилгиликни қилиб қўйиб, икки фарзандли аёлнинг эрини ўзига ром қилиб, ундан беҳаёлларча бола орттиргани, 2 хонали уй олдиригани етмагандек, эр эгасидан баланд келса-я, астоҳфирриллох. "Агар боғчадан болангни соғ келсин десанг, менинг айтганимни қилсан", - дея телефонда кўрктиса... Натихада бечоранига Нигора беҳаловат боғчага чопиб бораётиб машина авариясига учраса, 3 ой шифохонада алам тортиб ётса... Шундан сўнг ҳам "аёлнинг шайтони" қилган иштини ўйламай, ўз қилгиликлари билан уларнинг ажралишиб кетишига эришса-я. Бу қандай бедодлик! Яна: "Ўзгалар бахти эвазига қурилган оила омонат, мўрт бўларкан", - дея тан олибди. Уша бошлигинг, беномус Расул сенинг бошингга ҳам "маймуни ўйини" солибди-ку! Ўзинга олиб берган уйда сендан ёш бир қиз билан қайфу-сафо қила бошлабди. У сендан ҳам олғирроқ эканки, сени бир йигитга дўппослатибди, уйингдан хайдалиб мосуво бўлганинга севиديم. Чунки, ўзгаларни қақшатган Оллох томонидан қақшатилиши аниқ. Билиб қўй, "Бахт ўғрисини Оллох у дунё-ю, бу дунё кечирмайди."

Эх, Маҳфуза, эндиги кечириминг ўзингга сийлов. Бечора Нигора сенинг кечиримингни "Оила ва жамият"дан ўқиса ачинамайди, мен каби шодланса керак. Минг афсуслар бўлсинки, сенинг қилмишинг туйфайли яна етимлар сони 3 тага кўпайди, ана шуниси дилларни ўртайди. Ишдан хайдалиб, ширин ҳаёти барбод бўлган бошлигинг Расулнинг ошиғи шу вақтгача "чикка" эди "пукка"га айланди. Кармони пуч бўлган, қизлар ҳам унга қиё боқмайди. Маҳалла-қўй, эл-юрт олдида юзи шувит бўлган одам асло ўнганмайди. Сен нафс балосига йўлиқиб, ҳар қандай бойликдан ҳам қиммат турадиган Нигорадан жудо бўлдинг?. Қўш хотинликдан боши қотган бир эркак "Эси йўқ эркак қўш хотинли бўларкан", - дея ўкинганди. Ҳақиқатан ҳам, "Қўш хотинликнинг қулоғи тинмас", деб беҳиз айтилмайди. Газетамиз мухлислари тилидан Расулга қарата шундай дегим бор:

**Амалдан ҳам, обрўдан ҳам жудо бўлдинг,  
Нафсинг сени етаклади балчиқ сари.  
Иссик уйинг, фарзандларинг учун ўлдинг,  
Тамом бўлди давронларинг бари, бари.**

Кошкийди, сенингдек суюқоқ бошлиқларга қалтак бўлса сенинг завалинг. Менимча, қишлоқлик аёл - Нигора ўша ювош, тарбияли, имон-этиқодли, мулоҳазали бўлгани учун ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қила олмаган. Муттаҳам Маҳфузанинг пўпсаларидан кўриб, соддалигидан: "Майли синглим, 4 хонали уйда сиз туринг, 2 хоналикда биз тураимиз, фақат оилани бузмаган, болаларимни отасидан ажратманг", - деб ялинишга тушибди. Аслида "даъвогар юмшоқ бўлса, қози мутаҳам" қабилида иш тугилмай, эр эгаси ҳақини талаб қилиши, ота-оналари билан маслаҳат қилиши, маҳалла-қўй катталарига арз қилиб, уларни ишга солиш керак эди. Юмшоқлик шунчаларки, имонли Нигора эгасидаги ошми бўрига олдириб ўтирибди, эх аттан!

Яна бир мулоҳазали томони шундаки, ота-оналар умрларининг охиригача адашган фарзандларига йўл кўрсатувчи, қоқилса сўяб турғизиб қўювчи қўмақчилардир. Маҳфузанинг ота-онаси бунинг аксини қилди. Эндиликда қилмишларидан азият чекишайётган бўлсалар керак. Азиятсиз яшаш учун ўйлаб қадам босайлик, азизлар!

**Афифа ҲАСАН қизи**

**Биз учун жондан азиз бўлган дўстимиз Тохиржон ВОХИДОВ!**

31 январ, таваллуд кунини муборак бўлсин. Қалажак сизга домго бахт ва кудони келтирсин.

Оиланинг бахти ушун ва биз дўстларини фазри ушун ҳаминча соғ бўлини. Оллоҳ урғинини узоқ тилайми.

**Дўстларингиз**

**Суюкли набираимиз БОТИРЖОН!**

Сен асалбойимизни таваллуд кунин билан табриклайми. Оллоҳдан соғлиқ тилайми. Қўлларини қувватли бўлиб келтирсин.

Даданг Тохир, бувижонинг Набира, амажонинг Нигора ва оила аъзоларинг

**Азизимиз АСҚАРЖОН!**

Сени 30 январ — 8 ёшга тўлишин билан қутлайми. Соғ-омон бўлини. Қелусида ҳамма ҳавас қилувдек ажойиб нисон бўлиб улгайишни тилайми.

Аданг, Янгийой аканг, Гулолим ва тоғанг Баҳодир, Туймабевлар оиласи

**Жондан азиз болажоним Маҳмуджон АФЗАЛОВ!**

Сени таваллуд айёмин билан табриклайми. Қайда бўлсанг ҳам олтин ботини омон бўлсин. Сена узоқ умр, оқсат-саҳоматлик тилайми.

**Онаизоринг**

**Азизимиз НАРГИЗАХОН!**

Навқирон 17 ёштин муборак бўлсин. Шу ёзда ёшда бафта яхши ва эзлу нилтлар ҳамроҳ бўлишини тилайми.

Аданг Норбобо, онанг Ҳалима, онанг Нигора, жиянинг Муҳаммад Али, акаларинг Рустамжон ва Умиджон

Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани

**Азиз жияним Улуғбек КОМИЛОВ!**

Сени тутилган кунин билан йил қалбидан табриклайми. Онанг бахтига умрини узоқ, танини соғ бўлсин! Сена бахт ва амал ёр бўлсин.

Лола онаг

**Сиз ва оилангиз учун! "Орифлейм" табиий касметикаси.**

Тел: 35-39-93

Тошкент Молия ва иқтисодий коллежи томонидан Нурмаатов Одижон Очилович номига 2000 йил 8 июнда берилган №-343319 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**ОҚ РАНГ ЯХШИЛИК ТИПСОИ**

Бувам (онаминг отаси) тадбиркор, меҳнаткаш инсон эди. Тинмай меҳнат қилиб бир мунча маблағга ва бир неча гектар ерга эга бўлган эди. Машум 1937 йили ишбилармоннинг, тадбиркор деганнинг бошига офат ёққан йил. Айниқса пахта плани бажарилмай, НКВД ходимлари эшикма-эшик юриб, ҳар кило пахта учун деҳқонларни жазолашайтган йил. Бувам туш кўрибди. Тушида бир гала қора қарғалар бувам устидан учиб ўтибди-да, бу томонга қараб келаётган ўн икки киши елкасига кўнибди. Уларнинг қўлида қандайдир найзадлар бормиш. Улар бир зумга бувам олдида тўхтаб, ҳалқа бўлиб туришибди-да, сўнгра найзаларини ерга санчишиб, ваҳшиёна қичқириб йўлларида давом этишибди. Фарб томондан нуруний, оқ либосдаги бир қария бувам ёнига келиб: "Қайғурма, бу ёғи ўзингга боғлиқ", - дея далда берибди. Бувам уйғониб кетибди. Юрагига гўлгула тушибди. Урнидан туриб, уйдаги бир неча кило кўсақни даланинг четига чуқурча қовлаб, яшириб келибди. Қирқма милтиқ бор экан, уни томдаги сулурги поялари орасига яширибди. Сўнгра бир оз хотиржам бўлиб яна ўринга ётибдилар. Тонгда эшик тақиллашдан чўчиб турибдиларда, эшикни очсалар, ўн икки киши турганмиш. Худди тушларида кўрганларидек, бир неча кишининг қўлида найзалари ҳам бор экан. Уларни ичкарига таклиф қилибдилар. Улар орасида маҳаллий ҳўкумат аъзолари, суд вакили, туман прокурори ва терговчилар бор экан. Кириб келганлар хонадон

аъзоларига ҳаракат қилишни маън қилиб, текширишга олинган рухсатномани кўрсатишибди-да, ҳар бир ўйни, тоқчаларни, энг кичик қоваккача найза санчиб текширишни бошлаб юборибдилар. Бир зумда уй ичи титилган кўрпалар, йиртилган ёстиқлар билан бертартиб бўлиб кетибди. Аммо улар борлиги ҳақида хабар толган пахта, милтиқ топилмабди. Шунда улар бироз мулазм бўлгандек кетиш тарадудига тушибди. Бувам уларга осийлиқ турган қазилардан пишириб, хумдаги мусалласдан қуйиб берибдилар. Айтибдиларки: "Осмонда бало юрар экан. Ким ноҳақ бўлса ўшанга урар экан. Кўнглиларни очинглар. Бугун ҳам тепамизда шундай бало юрибди. Ўзгаларга ёмонлик тилайдиган, нияти қора одамларга урсин. Омин". Ҳамма бадараварига "омин" деб юборибди. Орадан кўп ўтмай текширишга келганларнинг барчаси "Халқ душмани" айбномаси билан турли муддатларга озодликдан маҳрум бўлишибди.

Орадан йиллар ўтган бувам кўрган тушларидан хурсанд бўлиб: "Болам, доим кўнглингни тоза қил. Яхшини Аллоҳ сақлайди. Нияти қора бўлган одам, ким бўлишидан қатъи назар, охири расво бўлади", - дегандилар. Назаримда тушларида таскин бериб, яхшиликдан башорат қилган нуруний чол тоза ниятнинг рамзи бўлса керак. Шу-шу туш кўрсам, аввало тушимга кирган одамларнинг кийимларига қарайман. Оқ рангда бўлса суюниб кетаман.

**Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ**



**«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази таклиф қилади.**

**3 ойлик курслар:**

- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси.
- Теле-радио-видео аппаратларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, Интернетда Web-site.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

**2 ойлик курслар:**

- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси.
- Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»**

Кўйидаги пуналик курсларга қабул эълон қилади:

- энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; аёлларнинг замонавий костюми, пальто ва плацдарини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; Замонавий, ҳар фаслга мос эркаклар кийими - 2 ойлик.
- Кўйлак, шим, костюмлар — ҳар кўнга, классик ва спорт усулига мос — костюм, фрак, нимча, куртка, плаш, пальтолар.
- Машгулотлар кичик гуруҳларда ҳар кун олиб борилади.
- Бигиришларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (акциядан ташқари) соат 10 дан 12 гача.
- Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
- Мўлжал: Метроинг «Амир Темур» бекати. Тел: 133-73-97, 76-71-95.

**«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ**

замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:

**КОМПЬЮТЕР САВОДХОНИК КУРСЛАРИ:**

- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-3 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби -2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Ақушерлик-6 ой.
- Хамширлик-3 ой.
- Аёллар сартарошлиги-3 ой

- Эркаклар сартарошлиги-2 ой
- Фармацевт-3 ой.
- Бичиш-тиқиш (замонавий моделлаштириш)-3 ой.
- Эркаклар костюм-пальтоси-2 ой.
- Парда, пақривал (замонавий Элита усулида).
- Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой.
- Массаж-2 ой.
- Аёллар костюм-пальтоси- 2 ой
- Косметология -2 ой.

**ДИҚҚАТ!** Хар бир курснинг теозкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиётни билан олиб борилади. Муваффақиятлар битирганларга ДИПЛОМ берилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1- уй, 5-6 йўлақлар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

**«САНАМ СЕРВИС»**

ўқув маркази ўқувчиларни кўйидаги ўқув курсига таклиф этади:

- 1. Бичиб-тиқиш - 4 ой
- 2. Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш - 3 ой
- 3. Замонавий усулларда «Элита» парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тикиш, уй безатиш - 3 ой
- 4. Фантазияли гул безаклар ясаш - 2 ой
- 5. Торт, салатлар (келин-куёв ифодаланган торт пишириш) - 3 ой
- 6. Хамширлик (амалиёт билан) - 3 ой
- 7. Массаж (умумий) - 2 ой
- 8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун) - 3 ой
- 9. Радио-техника - 3 ой
- 10. Компьютер - 3 ой
- 11. Косметология - 2 ой
- 12. Бухгалтерия - 3 ой

**1-МАНЗИЛ:** Себзор даҳаси, 310-мактабининг 1-қавати.

Мурожаат учун телефонлар: 40-20-59, соат 16.00 дан 22.00 гача.

**2-МАНЗИЛ:** Глинка-11, ИнтерАзия биноси, 4-қават, 406-хона.

Мўлжал: Педагогика институти ёнида, Бобур боғи ва гул бозори қаршида. Тел: 54-98-57

Лицензия: №05-3850

**ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!**

Агар сизда, Янги йилда янгича соғлом турмуш тарзида ҳеч қандай дардга чалинмасдан, узоқ умр кўриш истаги бўлса ва сизни эски касаллигингиз Янги йилда безовта қилишини хоҳламангиз, унда биз сизга энг янги ва энг юқори технология асосида тайёрланган, 100 фоиз қафолатланган, табиий супер препаратларни (Франция) таклиф этамиз:

- қандли диабет, бўқоқ;
- асаб касалликлари, остеохондроз;
- эркаклар муаммолари: простатит, аденома, потенцияни пасайиши;
- буйрак ва сийдик йўллари касал-

ликлари;

- инфарит, инсульт ва оғир операциялардан кейин тез тикланиб олиш;
- сурункали бронхит, туберкулез;
- аллергия касалликлари, бронхиал астма;
- болаларнинг тез-тез касалликларга чалиниши, яхши ривожланмаслиги;
- псориаз, экзема, нейродормит.

Телефон: 34-21-16 (кундузи), 22-48-65 (кечкурун).

**«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)**

- 1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой.
- Бунда сиз 100 дан ортик замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тиқишнинг моделлаштиришини ўрганасиз.
- 2. Хамширлик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтилади.
- 3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан).
- 4. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.
- 5. Торт ва турли хил пиширдиқлар - 2 ой.
- 6. Парда ва пақриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин).

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди.

Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергияларни кўйиб sinalади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйгур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвайлар — 7, 8, 16. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

**«BEGOYIM - SERVIS» - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:**

- Сартарошлик — 1 ой (тўй ва оқшом гуллари);
- Сартарошлик — 2 ой;
- Касметология — 2ой;
- Парда, пақривал (Элита) — 2 ой;
- Пальто, плаш бичиб, тикиш — 1 ой;
- Кулинария — 2 ой;
- Уй хамшираси — 2 ой;
- Массаж — 2ой;
- Инглиз тили — 3 ой;
- Олий даражадаги кулинария — 1 ой (келин-куёв шаклини ясаш).
- Ҳамма дарсларимиз амалиёт билан ўтади. Ўқишни тугатгандан кейин диплом берилади.

**Манзилимиз: «Мустақиллик майдони», Ўрда бекати. Анҳор бўйи 6-уй (Мустақиллик метроси). Тел: 41-16-63.**

**«BEGOYIM - SERVIS» - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:**

Лицензия: №05-3850

Ешим ўттиз олтда. Оилада энг каттаси, бунинг устига онамнинг ақка ўғил фарзанди эдим. Йигирма беш ёшгача сингилларимни турмушга узатишда бош-қош бўлдим. Улардан сўнг мен ҳам онам топан қизга ўйландим. У ҳамшира эди. Орадан 2 ой ўтгач янги келинни уй-рўзгор юмушларига нўноқ эканлиги билиниб қолди. Онагинам ўттиз беш йил савдо соҳасида ишлаб, энди нафақага чиқиш арафасида эдилар. Шоира эса шаҳардаги энг катта поликлиникада ҳамшира бўлиб ишларди.

У ишдан соат 2 ларда бўшаб, ҳар кунни ўз уйига — онасиникига кириб, сўнг бемалол кеч соат олтларда уйга қайтарди. Бунгача ишдан ҳориб, чарчаб қайтган онам раҳматлик ховли-жойга қараб, овқат тайёрлаб ўтирардилар. Олти ойдан кейин хотиним меҳмонга келган синглим билан уришиб қолди ва шу баҳона бўлиб уйига аразлаб кетди. Мен бориб олиб келдим. Бундай ҳол 2-3 марта такрорланди. Лекин у ўзгармади.

Турмушга чиқиб кетган сингилларим уйга келса албатта уриш-жанжал бўлар эди. Чунки унинг аҳволига, раҳматли онамнинг чекаётган изтиробларига қараб сингилларимнинг жаҳли чиқар эди. У яна кетиб қолди. Бу гал энди мен уни излаб бормадим. Орадан 2 ойча ўтиб бир кунни Шоиранинг ота-онаси, аммаси, қўшинси кечкурун келишиб арзимас кўч-кўронини олиб кетишди. Мен онам билан яна ёлғиз қолдим. Орадан анча вақт ўтиб, уни қидириб уйига бордим. Отаси: "Ўғлим, алоҳида яшаб кўринглар-чи", - деб маслаҳат берди. Биз ўзаро келишиб, бир ховлига кўчиб ўтдик. Ёлғиз қолган онамнинг олдидарига синглим келиб-кетиб юрди. Биз Шоира билан бир йилча яхши яшадик. Орада фарзанд бўлмади. Онамини: "Ўғлим, умрингни беравзанд ўтказма, бошқасига уйлан", - деб айтишларига қарамай уйланмадим. Шоира онасининг маслаҳати билан 1994 йил мендан ва онамдан беш ўрқ бир ўғил болани асраб олди. Мен нодон ҳам индамай бу болага меҳр қўйиб боқиб юрдим. Лекин онасининг айтиганини қилмаган нодон, аҳмоқ, гумроҳ ўғилни, яъни мени Аллоҳ таоло жазолади. Асраб олинган боланинг бир оёғи умуман ишламаслиги маълум бўлди.

Лекин мен бу кўргулгим онамнинг айтганларини қилмаганим учун берилган азоб, ғам деб тушундим. Болани кўтариб олиб, шифохоналарга катнадим, лекин аҳволи ўнглаб бўлмади. Онакомим ҳар келганларида, "Ўғлим, кел, бошқасини топиб уйлангин, вақтинг ўтапти", - деб айттардилар. Мен эса айтганларини инкор қилиб, ўз билганимдан қолмасдим. 1996 йили онам анча бемор бўлиб ётиб, сўнг вафот қилдилар. Лекин онагинам анча ёш эдилар. Бунда мен-ақсиз ўғилнинг ҳам анча хиссам борлигини билардим. Онагинами анча сиқиб-қийнаб кўйгандим. Аллоҳ уларни шохистаи жаннат, ғариби раҳмат қилсин.

Энди ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар, қоқилишлар бўлганди. Шоира бўлса яқинимизда жойлашган шифохонада на-

батчилик қиларди. Мен ёлғиз ноғирон ўғлим билан овқат тайёрлаб, уни кутиб ўтирардик. Шоира ўша эски одатини ҳамон қанда қилмасди. Яъни олдин ўз онасиникига кириб, сўнгра уйимизга келарди. Ҳеч қандай юмуш билан иши йўқ. Уйдаги қирларни бир ойда бир марта жи-янлари ювиб беради. Онаси уни шундай эрка қилиб ўстирганки, қизига ҳатто бир оғиз "тур, уйингга чиқиб кет", - демасди. Буларнинг ҳаммасига чидаб юрардим.

Ўзи йўқ, барча рўзгор ишларини яхши биланман, овқат қилишни маҳорат билан уд-далайман. 1999 йил октябр ойида Шоиранинг онаси касал бўлиб ётиб қолди. Шундан сўнг у ҳамшира эмасми, умуман уйга келмай қўйди. Яна ноғирон ўғлим билан бирга қолдик. Ўғлим ўзи юра олма-ганлиги учун унга алоҳида қаров зарур эди. Шу билан бирга мен ҳунармандчи-лик ишимни уйда бажараварардим. 2000 йилнинг мартада қайнонам вафот қилди-

вуқ кунлар келаётган эди. Ҳозир ҳам ана шу ишда ишлаб яшаб келмоқдаман. Ҳам-маси жойида. Ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Шоира мен турган жойдан атиги 1 км. нарида яшайди. Лекин бир йил ичи-да бирор марта хабар олгани келгани йўқ. У билан ит-мушқ бўлиб уришгани-миз йўқ эди-ку. Бугунги оилавий муҳи-ти ёмонлигидан келолмагандир эҳтимол. Чунки Шоирадан кейин икки синглиси ҳам турмушдан ажрашиб келибди. Бир акасига тўртинчи хотин олишибди. Ака-сида қалб борми ўзи? Аёл қизларимиз-га ҳам ҳайрон қолсан киши, сўраб-су-риштирмай турмушга чиқаварар экан-лар-да. Мен гумроҳ, мен аҳмоқ Шоира-ни деб онамини, ҳовлимни ташлаб кел-гандим-ку. 37 ёшга кириб мен муҳаббат, севги деган сўзларга умуман ишонмай қолдим. Булар бари ёлғиз нарзалар экан. Мен шу муҳаббатни деб 10 йил чи-дадим. Уйдан ҳайдалганимдан кейин ҳам бир йил чидадим. Энди афсусимнинг че-гараси йўқ. Чин муҳаббат ягона Аллоҳ-га, кейин ота-онага бўлишини энди ту-шуниб етдим. Лекин мен асло тушқун-ликка тушганим йўқ. Дунёда нима ишлар бўлмайди. Шу кунларда жуда кўп бева аёллар менга совчи бўлиб, оналарини бошлаб келмоқдалар. Мен уларга рад жавобини бермоқдаман. Менинг нима-ман борки уйлансам. Иккинчи марта уйла-гани умуман қизиқим йўқ. Ҳозирги кунда яхши ҳунарим бор. Лекин Вата-ним бору, уйим йўқ. Синглимнинг олди-га - онамнинг ҳовлисига асло қайтмай-ман. Таънага қолишдан қўрқаман. Она-си тириклигидега кетиб энди келибди-да,

деган гапга чидамолмайман. На ота-онам, на оилам, на фарзандим, на пулим, на дўстим бор. Ҳозирги кунда кечкурун қоровул бўлиб

ишлаб, кундузи эса ҳунаримни давом эттирмоқдаман. Ҳаммаси жойида-ю... Менга совчилар-нинг келиши ёқмаяпти. Мен энди астой-дил ибодат қилиб, яратгандан олдинги гуноҳларимдан кечишини илтижо қилиб сўрамоқдаман. Муқаддас китобимизда шундай сўзлар бор: "Аллоҳ албатта гуноҳ-ларни кечиргуви бўлган зотдур..."

Мен бу дил изхорини келгусида ука-ларимга сабоқ бўлиши учун битдим. Ота-она сўзларини икки қилмай бажаришлар-ини сўрардим. Катталар ҳар ҳолда кўп нарсаларни бошдан кечиршиган. Биз фарзандлари учун чин дилдан жонлари ачийди. Улар бизнинг бахтимизни тилов-чи зотлардир. Ушиб ҳаётим достонини тушуниб ўқиган газетхонларга яратгандан икки дунё саодатини беришини сўрай-ман. Ҳамма гуноҳ Асаднинг ўзида-ку, де-ган биродарларимдан ҳам асло хафа бўлмайман. Чунки ҳақиқатан ҳам менинг ўзим кўра-била туриб, онгли равишда шу ишларни қилганман. Минг афсус. Лекин кеч... Ҳозир овоз қуш бўлиб юрибман. Тонг отса хоҳлаган жойимга қўнаман. Лекин қачонгага ёлғиз яшайман? Бу ёғи энди яратганга ойдим.

АСАД

Наманган

## КИМНИНГ ЭРИ ҚАТТОЛ



## КИМНИНГ АЁЛИ...

чунки мен шунга мажбур эдим. Ўз вақтида онамнинг айтганларини қилмагандим. Энди уйимиздагилар олдида юзим шувит эди. Шоирани ташлаб қилмоғимга кириб бор-сам (Онаси вафотидан кейин келди-ку), деган таънадан қўрқиб, яна чидаб, яшаб юрдим. Бундан қутулиш, унутушининг осон йўлини топдим. Яъни ароқ ичишни ўргандим. Лекин бу ишим яхшиликка олиб келмаслигини билардим.

Шоир ёзганидек:

**Шароб денгизин кечдим на тотли жилваси бордир, Ҳақолат бўлгусин билмай**

**қулочни катта отдим-ку...**

"Шу аҳволда 1997 йил 27 мартга чика яшадик. Шу кунни қайнотам билан қайно-нам Шоиранинг қистови билан мени ушбу хонадондан ҳайдаб чиқаришди. Мен энди ўз турилган уйимга қайтишга мажбур эдим. Орадан бир йил вақт ўтгач, Шоира келиб: "Юринг, отамдан кечирим сўранг", деса "хўп", деб яна бориб кечирим сўрабман. Яна яхши яшай бошладик. Мен "ичкүв-лик" ваазифасини аъло даражада бажарар-дим. Эрталаб ноншута тўйлаш, кўча су-пуриш (негадир ерни суверини яхши кўраман) ва бошқа барча юмушларни қилардим.

Қўлимдан келмаган ишининг

ичкиликни давом эттирдим. 10 йил бирга яшаб фарзанд кўрмадик. Даволандик. Ле-кин фойда қилмади. Ароққўрлик ҳам ет-масдан зино қилишни бошладик.

Шоир ёзганидек:

**Кимнинг эри қаттол, кимнинг аёли,**

**Шундан бири-бирида эмас хаёли.**

**Ром этиб ўткинчи тулпорнинг ёли,**

**Кимларнинг қўзлари уйнашга тушди.**

Анча аёллар билан танишиб қўйдим-ку! Лекин мен бу ҳолатда узоқ юрмадим. Шо-иранинг онаси ўтгандан кейин отаси биз яшаётган хонадонга чиқадиган бўлиб қол-ди. Отаси шу уйда бўлса, бошқа қарин-дош-уруғлари ҳам шу ховлида. Ховли шу одамники бўлгандан кейин нима ҳам дея оласиз. Бироқ мен бундай шароитда узоқ яшай олмаслигимни тушуниб етгандим. Нима қилиш, қандай чора топишни бил-май; арокдан ором олардим. Кунлардан бир кун эрталаб соат 10 ларда қайно-там мени таёб билан ховлидан ҳайдаб чиқарди. Шоира бўлса отасига ёрдам бе-риб, мени бўйи тузи, ақли қалта сифа-тида ҳақоратлаб турди. Шу аснода 2 ой синглимникида яшадим. Дунёда мен учун дўст қолмаган эди. Қутилмаганди бир эски танишим: "Ука, қоровул керак", - деб қолди. Мен дар-рози рози бўлдим. Чунки со-

қулочни катта отдим-ку...

ДИЛ ИЗҲОРИ

Мен ҳам бошимдан ўтган воқе-аларни севимли газетамга ёзишга қарор қилдим. Эзмасам ҳам бўлмайди. Кўнглим дардлар-имни ҳеч қимча айтолмасдан ич-ичимдан азлиб кетдим.

Ешим 23да. Турмушга чиқмаган-ман. Шаҳримиздаги ишончалар-нинг бирида ҳисобчи бўлиб иш-лайман. Ишхонамизга ақин жой-да автосервис бор. Ҳар гал шу жойдан ўтсам негадир ўзимни галати ҳис этардим. Шу жойда бир йигит ишларди. Менга жуда ёқарди. Ҳама пайтлар оқрамдан жуда кўп йигитлар севаги изор қилишарди, лекин уларга негадир ишонмасдим, улар бойларнинг олифта ўғиллари эди. Шунинг учун мени барибир алдаб кети-шди, деб ўйлардим. Негадир шу уста болани ёқтарардим. Кунлар-нинг бирида шу устaxonада иш-лайдиган бир йигит кўнғирок қил-ди ва мени анчадан буён куза-тиб юришини, мен тўғримда ҳамма нарсани билишини, унга жуда кераклигини айтди. "Бугу-нук учрашганимиз керак", деб айтди. Ҳар доим уларнинг иш-хона-сид олтидан ўтганимда қандай-дир боланинг исмини айтиб ча-қиришиб, менга қарашарди. Шу-

нинг учун ўйланиб қолдим: учраш-сам ўша йигит бўлмаса-чи, бошқ-аси бўлса нима қиламан? Учраш-диган жойга келсам мен ёқтирган йигит турибди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Шу тариха биз ҳар кунни учрашиб турдик. Бир кун гап-лашмасам туролмайдиган бўлиб,

рози эмаслигимни айтдим. Шун-да у: "Озгина кутиб туринг", - деб айтди. Мен эса унга ишондим. Бир кун у менга кўнғирок қилиб: "Бир болани исмини айтиб, шу бола-ни сиз жуда яхши танир экансиз, қайдан танийсиз, у билан бирга юрганмисиз", - деб сўради. "Мен у

шани дўғонамга зарурлигини ай-тдим. Билсам, унинг тўйи бир ҳафта олдин бўлган экан. Бу гап-ни эшитиб нима қилишни билмай қолдим.

Шу кунлари бетоб бўлиб, ётиб қолдим. Ҳеч кимга айтолмасдан ўзимга-ўзим: "Нега ундай қилди, энди кўчада қандай қилиб юра-ман қандай ўтаман", - деб ўйлардим, ҳолос. Бир ҳафта уйдан ҳеч қакёқча чиқмадим. Ишдан ҳам қўнглим совиди. Наилоҳ, ишга бориш керак эди. Ишга бордим, ўша кунни у кўнғирок қилди, у мени жуда соғинганлигини, бе-тоб бўлиб кўнғирок қилмоғаман-лигини айтди. Унинг бу ёлғон гап-ларига чидаб олмадим, ҳамма гапни айтдим. У бўлса бу гаплар ёлғон эканлигини айтди. Мен йилгаб: "Ҳамма гап роз, ўз кўзим билан тўйингиз бўлганлигини кўрдим", - дедим. Шунда у ўйла-ниб: "Ҳа рост, шундай бўлиб қол-ди, уйимиздагилар мажбур қилишди, лекин барибир менга

## ЭНДИ ЁШИМ ЎТИБ ҚОЛДИ

унга жуда боғланиб қолдим. Кун-ларнинг бирида у менга ўйлани-шини, уйдагилари бизникига ке-лишларини айтди. Мен эса: "Уч-тўрт кундан кейин келишсин, ҳозир онамлар йўқ", - деб айтдим. У мен-дан: "Сиз розимисиз", - деб сўра-ди. Мен эса: "Уйимдагилар била-шди", дедим, у бўлса: "Агар ота-онангиз рози бўлмаса, ўзингиз ҳам ҳаракат қиласизми", - деб кўп маротаба сўрарди. Нега ундай дерди билмасдим.

Шу гаплардан кейин бир ой ўтди. Лекин унинг уйдагиларидан дар-ак бўлмади. Шу пайтлари бизни-кига жуда кўп совчилар келишар-ди, мен унга айтдим, у бўлса: "Ўзингиз биласиз, кимни ташла-ни", - деб айтди. Мен бошқасига

кераксиз", - деди. Мен эса: "Бўлди, менга керак эмассиз, бахтли бўлинг, лекин мени шу кўйга солганингиз учун Худо ўзи сизни жазоласин", - дедим. У менга: "Ҳаммасини тушунтириб бераман, ҳали кўнғирок қила-ман, учрашамиз", - деди. Лекин у бошқа кўнғирок қилмади.

Уни ҳозиргача кўчада қўриб қол-сам, ўзини мендан олиб қочади. Барибир нега ундай қилганлигини тушунмайман. Ундан жуда наф-ратланаману, барибир севаман.

Ешим ҳам ўтиб бораёпти. Ўтган кунларимдан жуда афсусланаман. Ушу пайтлари уни кутмасдан бошқасига турмушга чиқишим ке-рак эди. Тўғри, ҳамма айб ўзим-да. Энди эса ҳаётимда ёши ўтиб қолган қиз ҳеч қимга керак эмас-дай туюлади. Турмуш бўлмаган йилгитларга турмушга чиққани уйланман. Ҳамма танишлар, қарин-дошлар гапиришади. Онам ҳам мени ўйлаб, изтироб чекиб юр-ганларини қўриб, жуда эзилиб кетаман. Яшашдан тўйганга ўхшайман. Ортадошларим насл-ахатига жуда-жуда муҳтожман.

МУҲАББАТ

Андижон шаҳри

# ЭНГ ЧИРОЙЛИ ГУЛЛАР МУХЛИСЛАРИМИКИ!



Дунёдаги ҳамма касблар яхши. Касбнинг ёмони йўқ. Энг оддий ишда ишлаб ҳам бахту иқбол топиш, эл назарига тушиб, сеvimли бўлиш мумкин. Бироқ ҳар бирининг ўз машаққати ва масъулияти бор.

Муаззамхон Ғофурова эса энг нафис, энг қийин касбни, яъни раққосаликни танлади.

Эҳтимол: "Муסיқага, яхши кўшиққа сел бўлиб ҳамма ҳам ўйнайди-да, ахир ўйинга тушган кишининг дилидаги ғубори чиқиб кетади", дерсиз.

Рост. Кўпчилик ўзининг энг бахтиёр, энг қувончли кунларида рақсга тушиши рост. Лекин бу

касбингиз бўлсачи?... Кайфиятингизнинг қандай бўлишидан қатъи назар, рақсга тушишингиз керак. Бу эса қийинми ёки осонми? Биз Муаззамхон билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

- Раққосаликни энг осон касб дейишса, эзилб кетаман. Ахир ракс яратиш учун туну кун машқ қилишимни, бунинг учун қанча меҳнат қилаётганлигимни ўзимгина биламан-да. Саҳна узра энгил хиром этиш учун тинимсиз меҳнат киши ҳаракатини сайқаллаштиради. Эшитишимча, Ҳиндистонда баъзи классик рақсларни яратиш учун 5-10 йил вақт керак бўлар экан. Чиндан ҳам ўша рақсларни томоша қилсангиз сеҳрланиб қолгандек бўласиз.

- Муаззамхон, сизни раққоса сифатида ҳамма танийди-ю, аммо Ю. Усмоновнинг "Санамгина" кўшиғидаги дилбар рақсингиз билан сахналарда янада порлаб кетгандек бўлдингиз-да...

- Аслида шўҳрат мени қизиқтирмайди. Саҳнага шу мақсадда чиқмаганман. Санъатнинг қай даражада мафтуноклигини тушунтириш қийин. Бу олам шундай сеҳрлики! Мен ўзбек халқини дунёга танитадиган янги-янги рақслар яратиш орзусида сахнадек муқаддас жойга қадам қўйдим. Бунинг қийинлигини, машаққатлигини яхши билсам-да, раққосаликни танлаганимдан фخرланаман.

- Санъат ахли ҳамиша халқнинг назарига бўлади. Сизга бу ёқадими?

- Очигини айтсам, санъаткор бўлсангу эл назарига тушмасанг...

Бу фожеа-ку! Халқ сизни таниса, санъатингизни яхши кўрса бу кимни қувонтирмайди? Бу янгидан-янги зебо рақслар яратишга илҳом беради. Лекин... Баъзан санъат аҳлининг ҳар бир босган қадами-ю, қийинлини батафсил ёзиш урфга айланиб қолапти, шекилли. Ҳамманинг, шунингдек, санъаткорнинг ҳам ўз оиласи, ўз ҳаёти, боринги ўз сирлари бўлиши мумкин. Айнан санъаткорлар ҳақидаги энгил-елпи мақолалар кўпلىгидан ранжийман ҳам. Ахир бизда ҳам ҳаётга нисбатан фикримиз, дунёқарашимиз бор-ку.

- Сизни китоб ўқишни яхши кўради дейишганди, охири марта қандай китоб ўқидингиз?

- Бўш вақтим бўлса шеърый китоблар ўқигим келади. Яқинда шоира Фарида Афрўзининг "Ўзимдан ўзимгача" деб номланган китобини ўқидим. Унинг дилбар шеърлари кўнглимга қанот бағишлади.

- Сизни ўта инжик, рақсдаги ҳар бир ҳаракат, ҳатто либослардаги ҳар бир нақшга ҳам эътибор берадиган раққоса дейишар экан?

- Мен ракс ҳаракатлари устида кўп ишлайман. Шундай бўлмаса ракс ўта энгил-елпи бўлиб қолади-ку. Баъзилардек тўғри келган кийимда саҳнага чиқа олмайман. Ойлаб тинмай изланиб ўрганган рақсимнинг кўнглидагидек чиқишида либоснинг ҳам аҳамияти катта деб ўйлайман. Дидим нозик. Либос масаласида тикувчи ва расмолар билан кўп тортишиб қолган пайтларим ҳам бўлади. Рақсим ва либосларимнинг ҳам бетақрор бўлишини истайман-да.

- Кўнглингизда қандай эзгу орзуларингиз бор?

- Орзуларим кўп! Қай бирини айтсам экан? Энг аввало Ўзбекистонимизнинг тинч бўлишини истайман. Классик ва замонавий услубларни ўз ўрнида ишлатган ҳолда ажойиб рақслар тайёрлаб, уларни санъатсевар халқимизга тақдим этиш ниятидаман. Хурсандчиликни, тўйларни ёқтирган халқимизнинг боши тўйлардан чиқмасин.

- Суҳбатингиз учун сизга ташаккур.

Басира САЙИДЛЛIEВА суҳбатлашди

Ўтган сонларнинг қисқача мазмуни: Ёшликда бир-бири билан севишиб, аммо етишолмаган Лобар ва Равшани йиллар яна бир-бирига рўпара қилади. Уларнинг хуфия учрашишларидан Равшанинг хотини Розия хабар топади. Розия бу гапларни ростлигига ишонмайди, тўғрироғи ишонини хоҳламайди...

Розия индамади. Нариги уйдан Умиджоннинг йиғлагани эшитилди. "Розия, Умиджон менга кўнмаяпти, олди-га ўтиб ётсанг-чи?" - Равшан унга янаям яқинроқ келди. Яна пешонамга кўл текизиб юрмасин, деган ўй билан Розия ўрнидан турди. Ҳозир

Ўғлимизнинг қони чучукми, жуда кўп касал бўлади. Шунинг учун бирон марта ўтиришларига бормаганман, қизикмаганман ҳам. Бир куни дадаси: "Синфдошларим келмоқчи", - деб қолди. Ўшанда Умиджоннинг мазаси йўқлиги учун: "Сени, Умиджонни

ҳам шунга айтмоқчи бўлган-дир. Ўтган кун илар синглиси билан уй йиғиштиришаётгани, Марзия девор бурчагида осиялқ қовжираб қолган гулни кўрсатиб:

- Опа, анави гулни қачонгача сақлайсиз, ташлаб юборинг, - деб қолди.

# ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

унга Равшанинг ҳеч бир гапи, ҳаракати ёқмасди. "Тузукмисан ўзи?" - Равшан яна сўради. Розия унинг юзига қарамай, "ха" дегандай бош силкиди-ю, Умиджон ётган хонага ўтди. Равшан унинг орқасидан анна вақт тикилиб қолди.

Эрталаб Розия ҳар кунгидан эрта туриб, апил-тапил уй ишларини бажарди. Равшанга ҳар кунгидай, "Нима ейсиз-нима ичасиз?" - деб меҳрибончилик қилмади-ю, аммо индамай чой дамлаб, нонушта тайёрлади. Ўзи эса нонушта ҳам қилмади. Болаларини овқатлантириб, уйга кириб қийинчи қичди-да: "Мақсуда кизим, укаларингга қараб тур, ҳозир холанг келиб қолади, мен дўхтирга бориб келаман", - дея тайинлади. Розия Равшанга қарамасликка уринарди, аммо уни кузатиб турган Равшан: "Қайси дўхтирга бормоқчисан?" - деб сўради. "Сайёрага", - истамайгина жавоб қилди Розия.

Сайёра Анварнинг хотини — гинеколог. «Умиджонга жўра олиб келмоқчи экансан-да, - Равшанинг чеҳраси очилди. - Чой-пой ичиб ол, ўзим ташлаб ўтаман».

Розияга ҳозир бунақа гаплар ёқмасди. "Агар сиз ҳақингиздаги гаплар чин бўлса, ҳеч қачон Умиджонга жўра олиб келмасам керак", - деб ўйлади рўмолини тўғрилларкан. "Ўзим бораман, сиз овора бўлманг", - Розия сумкачасини олди-да, уйдан чиқди.

"Демак бошқа гап бор", - деб ҳаёлидан ўтказди Равшан унинг ортидан тикилиб қоларкан.

- Розияжон, шу миш-мишларга ишониб юрибсизми? Сиз ўтиришларга ҳеч бормагансиз, унга синфдош йигитлар кўп, қизлари кам келади. Келгани ҳам эрлари билан келади. Битта Лобар деган синфдош қизгина ёлғиз келади, эридан ажрашганми-йўқми, аниқ билмайман. Гоҳида Равшан, гоҳ бошқаси уни уйига элтиб қўяди, шунга бировлар гап қилганда.

Сайёра Розиянинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилар, гўё Равшанинг Лобар билан юришини билса-да, ёлғон гапирётганлигини кўзидан сезиб қоладигандек эди.

Ушандан кейин ҳам бирор марта, мен бораёй демасдим, у киши ҳам, "юр", деб зўрламади. Балки чиндан ҳам у билан юргани учун мени боришимни хоҳламагандир? Розия аниқ бир гап айтиши илинжида Сайёрага қаради.

- Йўғ-е, Равшан унақа одаммас, одамлар гапираверади-да. Хўжайимини у кишини яхши кўради, мен ҳам ҳурмат қиламан. Ҳеч ҳам у кишини бунақа деб ўйламаймиз. Айтгандай яқинда Ғофирларни-

## Газетхон ижодидан

кида ўтиришлари бор, бир боринг, бошқалар билан ҳам танишиб келасиз".

- Кўраман-да, сизни ҳам ишдан қолдирдим, - дея Розия кетиш учун ўрнидан турди.

- Розия, келганингизга яраша бир босимингизни ўлчаб кўзай.

Розия истамайгина яна столга ўтирди. Қон босимини ўлчаркан, Сайёра:

- Ҳеч ерингиз оғримаптими? - деб сўради.

- Бошим бироз кечадан бери безовта қилаяпти.

Вой ўлай, ҳаёлидан ўтказди Сайёра, ҳали анигини билмасдан қон босими шунча кўтарилибди, агар ростлигини билса ўлиб қолади-ку.

- Манави доридан битта ичинг, ўтиб кетади, - Сайёра стол тортмасидан дори олиб унга узатди. - Кейин сиздан илтимос, Равшан билан уришиб юрманг.

Розия: "Хўп", - деб бош чайқади-ю, эшикка отланди.

"Қанийди миш-миш бўлса", - дерди у йўлда ҳаёл суриб,

- "дадасидан кечаги қилиқларим учун кечирим сўрардим". Синглим келдимикан. Марзияси тушгур ҳам: "Индин келаман, сизда гапим бор", - деб кетувди, балки у



- Билсан, поччанг билан севишмагансиз. Бир-биримизга кўнглимиз ҳам йўқ эди. Яшаб кетолмасам керак деб ўйлардим. Бу гуллар эса биринчи уришиб қолган кўннимизок ташлаб юбормоқчи эдим.

- Наҳотки поччам билан бирор марта уришмагансиз? Розия қулди:

- Агар уришиб қолганимизда мен ҳам, гуллар ҳам бўлмасди бу уйда.

- Наҳотки шу йиллар ичидан бирор марта...

Розия қулиб бош иргади. - Умиджон туғилгандан кейин ҳам-а, шу яқин кунларда ҳам-а, - Марзия опасига тикилиб қолди.

- Нима, уришиб қолишим керакмиди, - Розия ҳайрон бўлди.

- Йўқ, сўрадим-да, - Марзия бироз ўйланиб қолди. Кетаётганда эса: "Индин келаман, сизда гапим бор", - деб кетди.

Балки у ҳам шунга айтмоқчи бўлгандир. Агар рост бўлса ҳам то кўзим билан кўрмагунимча у киши билан уришмаслигим керак.

Розия икки қизини синглисига кўшиб онасиникига жўнатди-да, аввал Умиджонни қийинтириб, сўнг ўзи қийина бошлади. Машинасининг у ер-бу ерини кўраётган Равшан ташқарига чиқиб-кириб юрган Розияга қараб қўйди. "Ишқилиб, «бораман», деб қолмаса гўрга эди. Тунов кун и бир кўрқитди-да".

(Давоми бор)

Равно АБАЗОВА

**Оила ва жамият**

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топшириди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида теришди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - { яқка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Бюролма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.  
Баҳоиси эркин нарҳда. Адади — 30 000  
Саҳифаловчи — **Жаъфар ЖАББОРОВ**.  
Расмом — **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.  
Навбатчи — **М. СОДИКОВ**.